



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУНАРМАНД УЮШМАСИ

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшлар ўртасида “Ҳунармандчилик” танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Беш ташаббус олимпиадаси” 2023 йил мавсумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бағишиланган 22-сонли йиғилиш баёни ҳамда 2023 йил 1 июнданги 103-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, “Ҳунарманд” уюшмаси (биргаликда Томонлар деб юритилади) қарор қиласи:

1. Томонлар ўртасида имзоланган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшлар ўртасида “Ҳунармандчилик” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.6. Туман (шаҳар), худудий ва республика босқичларида ғолиблар қуйидаги тақдирланади:

### **Туман (шаҳар) босқичи:**

I ўрин – танловнинг худудий босқичига йўлланма;

II ўрин – 2 млн. сўмгача;

III ўрин – 1,5 млн. сўмгача;

охирги ўрин – 1 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;

### **Худудий босқич:**

I ўрин – танловнинг республика босқичига йўлланма;

II ўрин – 3,5 млн. сўмгача;

III ўрин – 3 млн. сўмгача;

колган барча иштирокчилар – 2,5 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;

### **Республика босқичи:**

I ўрин – 100 млн. сўм;

II ўрин – 75 млн. сўм;

III ўрин – 50 млн. сўм;

колган барча иштирокчилар – 15 млн. сўм пул маблағи билан тақдирланади”.

Бунда, республика босқичидаги иштирокчи ёшларни рафбатлантириш түловларидан даромад солиғи ушлаб қолиниб, аризачининг банк пластик картасига үтказиб берилади.

2. Мазкур қарор имзоланған кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Ф. Аблаяров зиммасига юклатилсин.

**Ёшлар ишлари агентлиги  
директори**



А. Саъдуллаев

Тошкент ш.,  
2023-йил 9-абзуси  
01-07-12-сон

**“Хунарманд” уюшма  
раиси**

Тошкент ш.,  
2023-йил 9-абзуси  
21/6-1-сон



У. Абдуллаев